

Очилов Алишер Тўлис ўғлиБухоро давлат университети
профессори, тарих фанлари доктори (DSc)**Мардонов Рўзимбек**Бухоро давлат университети
магистранти

29

БУХОРОНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ МАСАЛАЛАРИ
(илк ўрта асрлар даври мисолида)

Аннотация. Ушбу мақолада Ўрта Осиёнинг йирик деҳқончилик маконларидан бири ҳисобланиб, ўз географик жойлашувига кўра қадимдан шарқ билан ғарб мамлакатларини боғловчи савдо-иқтисодий ва маданий қўприк вазифасини бажарган Бухоро воҳасининг илк ўрта асрлар даври тарихий географияси айрим бирламчи ёзма манбалар асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ғарбий Суғд, Бухоро воҳаси, тарихий география, Пойкент, хитой манбалари.

ISSUES OF HISTORICAL GEOGRAPHY OF BUKHARA
(ON THE EXAMPLE OF THE EARLY MEDIEVAL PERIOD)

Annotation. This article analyzes the historical geography of the Bukhara oasis in the early Middle Ages, based on some primary written sources, which is considered one of the largest agricultural areas of Central Asia and, due to its geographical location, has served as a trade, economic and cultural bridge connecting the countries of the East and the West since ancient times.

Keywords: Western Sogd, Bukhara oasis, historical geography, Poykent, Chinese sources.

ВОПРОСЫ ИСТОРИЧЕСКОЙ ГЕОГРАФИИ БУХАРЫ
(НА ПРИМЕРЕ ПЕРИОДА РАННЕГО СРЕДНЕВЕКОВЬЯ)

Аннотация. В статье на основе письменных первоисточников анализируется историческая география Бухарского оазиса в раннем средневековье, который считается одним из крупнейших земледельческих районов Средней Азии и, благодаря своему географическому положению, с древнейших времён служил торгово-экономическим и культурным мостом, соединяющим страны Востока и Запада.

Ключевые слова: Западный Согда, Бухарский оазис, историческая география, Пойкент, китайские источники.

Илк ўрта асрларда Бухоро шаҳри Ғарбий Суғднинг марказий шаҳри эди. Бухоро шаҳри мил. авв. I мингйиллик ўрталарида пайдо бўлган. Бухоро шаҳри тарихига тегишли муҳим маълумотларни Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида учратамиз. Унга кўра Бухоро шаҳри ўрни илгари ботқоқлик бўлиб унинг баъзи ерларини тўқайзор, дарахтзор ва кўкаламзорлар ташкил этган, айрим жойлари эса шундай бўлганки, бирор ҳайвон ҳам оёқ кўйишга жой топа олмаган[1].

Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида аҳоли манзилгоҳлари қадимдан бўлгани маълум. Илк ўрта асрлар давридаги демографик ва миграцион жараёнлар бу ҳудуднинг тарихий географиясига катта ўзгаришларни олиб келди. Бу аҳолининг кўпайиши ва унга боғлиқ равишда янги қишлоқлар ва шаҳарларнинг пайдо бўлишида кўзга ташланади. Маълумки Бухоролик тарихчи Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” асарида Бухоро воҳасидаги йирик шаҳар ва қишлоқлар, мулклар ҳақида муҳим маълумотлар ёзиб қолдирган. Хусусан, Бухоро шаҳри пайдо бўлмаган даврда Нур, Харқонруд, Вардана, Таровча, Сафна ва Исвона каби қишлоқлар бўлганлиги бу асарда қайд этилган[2].

Бухоро воҳасининг сиёсий мавқеи айниқса эфталитлар даврида катта бўлган. Пойкентнинг эфталитлар давлатининг сиёсий маркази бўлгани, Варахшада подшо қароргоҳи жойлашгани ҳам бундан далолат беради.

Турк ҳоконлиги даврида Бухорода туркларнинг ҳарбий лашкарлари жойлаштирилиб, шаҳар Шад, яъни ҳарбий саркарда томонидан бошқарилган[3]. Бухоро Хитой манбаларида Ан номи билан қайд этилган[4]. Шарқий Туркистон ва Еттисувдаги ҳокон қароргоҳини Марв орқали Эрон билан боғловчи йўлнинг муҳим бўғинини ташкил этган бу шаҳар ҳоконликнинг жануби-ғарбидаги йирик савдо маркази ва катта ҳарбий-сиёсий аҳамиятга эга шахри ҳисобланарди.

Араб манбаларида Бухоро шахри арк, шахристон ва работдан иборат йирик шаҳар сифатида қайд этилади. Бухоро минтақавий ва халқаро савдо алоқаларида катта ўрин тутар, карвон йўллари Бухорони Суғдиёнанинг бошқа мулклари, Тоҳаристон, Еттисув, Хоразм ва Хуросоннинг турли шаҳарлари ва Эроннинг савдо марказлари билан боғлаган эди. Бухоро атрофидаги кўплаб шаҳар ва қишлоқлар ҳам маҳаллий ва транзит аҳамиятга эга карвон йўллари орқали ўзаро боғланган эди[5].

Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида Бухорога тегишли бўлган йирик ва машҳур шаҳар ва йирик қишлоқлар санаб ўтилган. Уларнинг барчаси илк ўрта асрлар даврида ҳам йирик аҳоли марказлари сифатида фаолият кўрсатган. Улар ичида Кармана, Нур, Тавоис, Искажкат, Шарғ, Зиндана, Вардана, Афшона, Барканд, Рамтин (Ромитан), Варахша, Байканд, Фарабга тарихий географик шарҳ бериб ўтилган[6]. Улар ичида Байканд (Пойкент), Афшона ва Фараб шаҳарлар сифатида, қолганлари гарчи куҳандиз ва жоме масжидига эга бўлсаларда, йирик қишлоқлар сифатида қайд этилган. Бухорога тегишли бўлган шаҳар ва қишлоқлар ичида Байкент (Пойкент), Ромтин (Ромитан), Нур (Нурота), Варахша, Вардана кабилар Бухородан қадимийроқ ҳисобланган.

Бухоро суғдининг ғарбий чегараларида жойлашган Пойкент шахри Бухоронинг ғарбий қисмидаги ўтроқ аҳоли манзилгоҳлари чегараларини аниқлаштиришда муҳим маълумот беради. Бухоро - Марв карвон йўлида жойлашган Пойкент илк ўрта асрларда иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий аҳамиятга эга йирик шаҳарлардан эди. Эфталитларнинг сиёсий маркази бўлган бу шаҳар Турк ҳоконлиги даврида ҳам ўз мавқеини сақлаб қолди[7].

Буюк ипак йўлида жойлашган қадимги Пойкентда дорихона мавжуд бўлганлигидан далолат берувчи топилмалар ҳам олингани маълум[8]. Бу ҳам шаҳарнинг бухоро Суғдининг йирик маданий марказлардан бири бўлганлигидан далолат беради. Пойкент илк ўрта асрлар даврида, араб истилоси арафасида ҳам йирик савдо маркази сифатида машҳур бўлган. Пойкентликлар Хитой ва денгиз орқали бориладиган бошқа мамлакатлар билан савдо алоқалари олиб борганлар. Бу шаҳарни мустаҳкам қалъаси борлиги учун жездан қурилган шаҳар деб атаганлар. Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги араб қўшинлари ҳам бу шаҳарни забт этишда кўп қийинчилик кўрган. Бухородан қадимийроқ бу шаҳарни исломгача бўлган подшоҳлар ўзларига қароргоҳ қилганлар[9].

Мовароуннаҳр шаҳарларини Бухоро орқали Эрон ва Хуросоннинг савдо шаҳарлари билан боғловчи карвон йўлининг биринчи муҳим қисми Бухоро – Пойкент – Фароб – Амул кечуви – Марв йўналиши бўлган. Манбаларда “жез шаҳар”, “савдогарлар шахри” каби эпитетлар билан аталган Пойкент атрофида мингдан ортиқ работлар қурилган бўлиб, шаҳар аҳолиси асосан савдо-сотик билан шуғулланган ва Хитой ва Амударё сув йўли орқали бориладиган бошқа мамлакатлар билан халқаро савдода иштирок этган[10].

Бухоро ва Пойкент орасидаги масофа, фарсах[11] билан ҳисоблаганда, Ибн Хурдобеҳга кўра 5 фарсах[12], Самонийда эса бир кунлик йўл сифатида қайд қилинган[13]. Баъзи тадқиқотчилар, манбаларга таяниб, бу масофа 7-8 фарсахни ташкил қилишини қайд этганлар[14]. Пойкентнинг харобалари Бухородан 55 км. жануби-ғарбда жойлашганлигини ҳисобга олсак, сўнгги фикр ҳақиқатга тўғри келишини кўрамиз.

Бухородан келувчи йўл Пойкент – Фароб (12 фарсах) йўналишида қумли чўлдан ўтиб[15], Мовароуннаҳрнинг Хуросон ва Эрон шаҳарлари билан алоқаларида асосий ўрин тутган кечувга келган. Бу кечув номиманбаларда Амударёнинг ўнг қирғоғи

жойлашган Фароб шаҳарчасига нисбат берилиб “Фароб кечуви” ёки дарёнинг чап қирғоғида жойлашган Амулга нисбатан “Амул кечуви” деб аталган [16]. Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Фаробдан Мовароуннаҳр чегаралари бошланган. Манбаларга кўра, минтақа худуди орқали ўтган карвон йўлларининг энг узун тармоғини Амударёдаги Фароб кечувидан Бухоро, Самарқанд ва Хўжанд орқали Ўзгандга олиб боровчи йўл ташкил этиб, бу йўналишни карвонлар 23 кунда босиб ўтганлар [17].

Фароб Амударёнинг ўрта оқимидаги муҳим кечувлардан бирини назорат қилиб туриш мақсадида барпо этилган қадимги қалъалардан биридир. Наршахий маълумотга кўра, Фароб шаҳри Амударёдан 1 фарсанг узоқликда жойлашаган бўлиб, Амударё суви тошганда Фаробгача етиб келган. Амударёнинг чап қирғоғида, Фароб яқинидаги кечувдан ўтилиб Хуросонга тегишли бўлган Амул қалъасига чиқилган. Бухородан Марвга Фароб кечуви орқали ўтилган йўналиш илк ўрта асрларда кенг фойдаланилган. Турк ҳоконининг элчиси сифатида Эронга борган суғд савдогари Маниах бошчилигида элчилар ҳам Бухоро, Пойкент, Амул ва Марв орқали Эронга боришгани бу йўналишнинг аҳамиятини кўрсатиб туради [18].

Антик даврга оид (мил. I аср) маданий қатламлари мавжуд Эски Чоржўй ҳам милодий эра бошларидан бошлаб Марвдан ва чап қирғоқ Амударёнинг қуйи оқимидан Пойкент – Бухоро – Кармана – Самарқанд йўналишида Марказий Суғдга кетувчи савдо йўлини назорат қилиб турган муҳим қалъалардан бири бўлган [19]. Бу ёдгорлик қадимги давр ва ўрта асрларда Амударё сув йўли бўйидаги муҳим бекат сифатида ҳам аҳамиятга эга бўлганлигини ҳисобга олсак, унинг минтақа жанубидаги савдо йўллари тизимида тутган ўрни янада аниқлашади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Наршахий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / Форс тилидан А.Расулов таржимаси // Мерос. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 90.
2. Наршахий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / Форс тилидан А.Расулов таржимаси // Мерос. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 91.
3. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – СПб.: СЗКЭО “Кристал”, 2003. – С. 176.
4. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах ... Ч. II. – С. 284, 329.
5. Ahmad al-Moqaddasi. Descripioimperii Moslemici / Ed. M. J. de Goeje. – Leiden: Lugduni Batavorum apud E. J. Brill, 1967. Bibliotheca geographica horumarabicorum. III. – P. 266-268, 280-281.
6. Наршахий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / Форс тилидан А.Расулов таржимаси // Мерос. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 95-101.
7. Наршахий. Бухоро тарихи // Мерос. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 91.
8. Городище Пайкенд. К проблеме изучения средневекового города Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1988. – С. 63-64, 177-178.
9. Наршахий. Бухоро тарихи // Мерос. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 100.
10. Hudūd al-‘Ālam (The regions of the world) a Persian geography / Translated and explained from the Persian by V. Minorsky. – London, 1970. – P. 113; Ibn Hawqal. La configuration de la Terre (kitab surat al-Ard) / Introduction et traduction par J. H. Kramers et G. Wiet. – Paris: Maisonneuve et Larose, 2001. – P. 466, 493; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1963. Т. 1. – С. 169.
11. Фарсах – фарсча фарсанг атамасининг арабча шакли. Тадқиқотчилар орасида 1 фарсах қанча масофани билдири масаласида ягона фикр йўқ. Хусусан, фарсах карвонлар 1 соатда босиб ўтадиган масофа бўлиб, ўртача 5-8 км.га тенг масофани ўз ичига олиши ҳақида фикрлар мавжуд.
12. Ибн Хурдодбех., Книга путей и стран. (Китоб ал масалик вал мамалик) / Пер. с арабского, комм., исслед., указ. и карты Н. Валихановой. – Боку: Университет, 1986. – С. 25.

13. Камалиддинов Ш.С. "Китаб ал ансаб" Абу Са'ида Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993, – С. 63-64.
14. Адылов Ш.Т. Историческая топография одной из средневековых дорог по направлению Бухара-Хорезм // Археология и история Центральной Азии. К 70 летию со дня рождения академика Академии наук Республики Узбекистан Юрия Федоровича Бурякова. – Самарканд, 2004. – С. 19.
15. Бартольд В.В. Туркестан в эпохи монгольского нашествия ... – С. 170; Наршахий. Бухоро тарихи ... – Б. 100.
16. Камалиддинов Ш.С. "Китаб ал ансаб" Абу Са'ида Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самани . – С. 53-54; Ёша муаллиф. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – Ташкент: Шарқ, 2006. – С. 27-28.
17. Ал-Истахри. Книга путей и государств (Китаб масалик ал-мамалик) ... – С. 268; Hudüd al-'Ālam (The regions of the world) ... – Р. 493.
18. Гумилев Л.Н. Древние тюрки ... – С. 49-52.
19. Массон М.Е. Средневековые торговые пути из Мерва в Хорезм и в Мавераннахр (в пределах Туркменской ССР). Труды ЮТАКЭ.– Ашхабад: АН ТуркмССР, 1966. Т. 13. – С. 148-149.